

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 41 (66016)  
1997 йил, 31 май, шанба

Сотувда эркин  
нархда



Шуҳликларим анҳордек тошиб,  
Капалаклар билан уйнашиб,  
Неча фасл, неча йил ошиб,  
Болалигим, сени соғиндим.

Адолат ЙУЛДОШЕВА,  
Бувайда туманидаги Оқ-  
қургон қишлоғи, беш фар-  
занднинг онаси:

— Фарзандларим мустақил фикр эгаси эканликларини куриб, беихтиёр қувонаман ва мен ҳам бола бўлгин келади...

Сабоҳат КАРИМОВА,  
Тошкент шаҳри, Шайхон-  
тоҳур тумани, 70 ёш:

— Ҳозир соғлигим йўқлиги туфайли каравотда ётиб, ёнимда менга парвона набираларимни куриб қувон, аман ва болаликка чоғларимга қайтиб, ота-онам кучоғида узимни кургим келади.

Гулчеҳра УМАРОВА,  
журналаст, «Ўзбекистон  
адабиёти ва санъати» га-  
зетаси бўлим мудири:

## Болалигимизни соғинмасми?

— Бизнинг болалигимизда ҳамма нарса оддийроқ эди, узимиз ҳам содда бўлганмиз.

Болалик ишонувчан, соф бўлгани учун ҳам уни соғинаман...

Болалигим гул баҳор, деганларидек инсоннинг болалиги — Баҳорни соғинмай буладими?..

Сорахон ОТАМИРЗАЕВА, УзФА Тилшунослик олийгоҳининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди:

— Болалик ҳақида Юлдузхон Усмонова куйлаганда уша камалакранг сонияларга боргим келади. Аммо бизнинг болалигимиз армонли, жароҳатли эди. Биз уруш замонининг болалари эдик.

Қалдирғоч МАМБЕТОВА, «Нурли йул» газетасининг муҳбири:

Қачон қийинчиликларга дуч келсам, болалигимни кумсайман. Болалик пайтларимда ота-онам муаммоларимни хал қилишда муҳим урин тутишарди.

Ҳамид ИКРОМОВ, «Ўзбекистон овози» газетаси бўлим мудири:

— Болалигимга қайтиш-

ни истайман. Лекин болалигим утган оғир, уруш дамларини кумсайман. Истиқлол болаларига ҳавасим келади. Ширин орзу-ҳаёлларга берилган боланинг бахти баркамол бўлармиш.

Боиси, буюк инсонлар

Алишер Навоий, Улугбек, Бобур, Шекспир, Қодирий, Аброр Ҳидоятлов, ҳатто Артур Григорян, Миржалоллар ҳам ҳаммаша ҳаётлотиға минганлар.

Сухбатни Мухтор Бек уюштирди.



### 1-июн халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

## Алпомиш авлодлари

Муминмирзо Маҳмудов Собир Раҳимов туманидаги 78-«Асало» боқчасига қатнайдди. Куп шешларни ед биледи. Лотинча алифбо ҳарфларини танийди. Бир-бирига қўшиб ўқий олади. У боқчасига хархаша қилмай боради. Узига ухшаш Акмал, Алишер, Шерзодлар билан уйнаб зерикмайди. Вақтида ухлайди, вақтида овқатланади. Муминмирзонинг орзулари куп. Энг асосийси — дадаси Маҳмуд акага ухшаш милиция ходими бўлиш.

Айвончада давра куриб утирган қизалоқларнинг суҳбати авжида. Улардан бири Азизахон Расулова навбати келганида Азимжон деган уқасининг шуҳликлари рози булгач уйин олдиан тайергарлик кура бошлашди.

«Асало» боқчасида 300 дан ортиқ бола тарбияланмоқда. Му-  
дира Шоира Ортиқова бошлик

20 дан ортиқ тарбиячилар уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишишлари учун бор билим, тажрибаларини сарфламоқдалар. Саноат Турсунова, Зумрад Абдуворисова, Минаввар Измаилбаева, Дилором Абдурахмоновалар утказаетган ҳар бир машхулот кичкинтойларда қизиқиш уйғотмоқда.

Муסיқа раҳбарлари Маҳсума Мавлонова ва Шаҳноза Иброҳимовалар болаларга янги-янги қушиқлар уртанишмоқда. Медицина ҳамшираси Зайди Раимова тарбияланувчиларга доимо парвона.

Услугчи Нодира Сидиқованинг тақдирлашчи бу ерда тарбияланаётган ҳар бир угил-қизда Ватан туйғусини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

— Биз она юртимиз, Ватанимиз — Ўзбекистон билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, — дейди у, — мустақилликка эришганимиздан буен утган шу қисқа фурсат ичида қаранг, қанчадан-қанча ютуқларга эришдик. Бу ютуқлар салмогини орттириш, яна янгидан-янги галабаларга эришиш — келажақ авлод, яъни бугунги жажжи туй бола ва

жамалаксоч қизалоқларимиз зиммасида. Биз буни чуқур ҳис этган ҳолда Ватанимизга оид тадбирларни мунтазам утказиб турибмиз. «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чиқарилган «Ватан туйғуси» туплами бу борада бизга катта кумак булди. Ҳозир ана шу туплам асосида келгуси тадбирларимиз режасини тузиб олдик.

...Боқчанинг кенгитина ҳовлиси узра болажонлар кулгуси, шух қийқириқлари янграйди. Уларни-

нг бийрон сузларини тинглаб, шаҳдам ва уқтам ҳаракатларини куриб келажакка ишонч билан нигоҳ ташлайсиз.

Дарвоқе, «Асало» боқчаси «Алпомиш» спорт саройининг рубарусида жойланган. Бунда ҳам бир рамз бордек. Ҳа, бу угил-қизлар Алпомишу Барчинойлардек мард, жасур ватанпарвар бўлиб вояга етишадди

Васила Пўлатова,  
Тошкент шаҳри.

«Тонг юлдузи»нинг муштарийлари бўлган азиз фарзандлар!  
Сизларга Ватан бахти учун соғ-саломат бўлиш, юртнинг баркамол угил-қизлари бўлиб етишишингизни тилайман.  
Эркин ВОҲИДОВ,  
Ўзбекистон халқ шоири,  
19.5.97.

### Ҳафтанинг етти куни

#### ХАВФСИЗЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ АСОСЛАРИ

«Ўзбекистон» нашриёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобни ўзбек ва рус тилларида босмадан чиқарди. Мазкур китоб давримизнинг энг муҳим ва мураккаб ижтимоий-сиёсий муаммолари таҳлилига бағишланган. Бу муаммоларни аниқ тушуниш жамиятни бирлаштиради, жипслаштиради, ҳар бир кишига узининг масъулиятини, уз улқаси, жонажон Ватанининг тарихи ва ҳаётидаги мураккаб воқеаларга даҳлдорлигини пухта идрок этиш, янада теранроқ англаш имкони-ни беради.

#### «КЎРИШГУНЧА... ТОШКЕНТ»

Утган куни XII Халқаро Тошкент кинофестивали тантанали суратда ниҳоясига етди. Пойтахтимизга таширф буюрган киносанъат намояндалари анжуман давомида фестивалга тақдим этилган фильмларни куриш билан бирга шаҳримизнинг купитина жойларида бўлдилар. Айниқса, «руйи замин сайқали» — Самарқанд диеридаги учрашувлар кинофестиваль қатнашчилари хотирасида бир умр муҳрланиб қолиши шубҳасиз. Анжуманнинг сунти куни фестивал гөлиблари аниқланди ва уларга совринлар топширилди.

#### ҲАР СОАТДА ЯНГИ СОН

АҚШда «Лейтест ньюс» (Сунги янгиликлар) номли газета чоп этилади. Нима бупти, дерсиз? Қизиги шундаки, 20 саҳифалик газетанинг янги сони ҳар соатда укувчилар қулига тегади.



Тим қора кузларида умид учқунлари зоҳир, юрагида Узбекистон аталмиш келажаги буюк Ватан меҳри жойланган бу қизалоқнинг исми Малика. Мактабга ҳаммадан олдин келиб, энг охири кетадиган ана шу аълочи ўқувчига бир вақтлар бувию боболари, ота-онаси ёруғ ниёт билан қизимиз юрт сураган маликалар Биби-хоним, Моҳларойим, Хонзодабегим, Зебуннисобегимлардек маърифатли, ақли расо, элпарвар, юртсевар, иймон-эътиқодли булсин дея «Малика» деб ном қуйишганди. Яқинлари тилаган яхши ниёт қизалоқнинг йулига чироқ булди, исмидаги салобат ва малоҳат эса ҳаммиша уни биринчи бўлишга ундади. Чучук тилда шеър айтиб дастлаб ота-онасини ҳайратга солган Малика, бувию бобосини саволларга қумиб «тинкаларини» қу-

## КАМОЛИДА ВАТАН СУРУФИ

ритди. «Бу қизалоқда бир гап бор» деди кўпни курган нуруний бобоси, «ёмон куздан худойим асрасин», дея бувию жажжи қулчаларига кузунчоқ тақиб қўйди.

Малика Мирсодиқова боғчадаёқ узбек ва рус тилларида ўқиб-ёзишни урганиб олди. Биринчи муаллимаси Вера Павловна эса ундаги иқтидорлуғига чанқоқликни куриб қўшимча дарслар утишга киришди. Малика эса берилган вазифаларни ҳаммиша аълога бажариб, ўқитувчисининг унги қулига айланди. Дарсларни яхши ўзлаштирайдиган синфдошларига ердამга шошилди. Танафусларда уртоқларига эртақ китоблар ўқиб бериб уларни ҳам илмнинг сирли-сеҳрли дунёсига бошлади. Эр-



талаблари ҳаммадан олдин келиб синфдаги гулларга сув қўйди, чанглариини артди. Малика бу ишларни узини ишчан курсатиш учун эмас, чин дилдан ба-

жарди. Чунки поклик иймондан эканлигини у қабатидаги катталар, қолаверса оиладаги саранжом-саришталигу меҳроқибатдан урганган эди. Шунинг учун Маликаҳон нафақат ўқишда, рузгор ишларида — уй тутиш, гулларни парвариш қилиш, кашта тикиш, расм солиш, қушиқ айтиш, рақсга тушишда ҳам урнат.

Жажжи синглиси Мадина ҳам опасининг яхши фазилатларини узида мужассам этмоқда, чунки Маликаҳон ҳаммиша синглисига меҳрибон, уни тез-тез сайрларга олиб чиқиб, дарахтлар, гулу чечаклар ҳақида онажонисидан эшитганларию, китоблардан ўқиганини унга эринмай сузлаб беради. Жажжи Мадина эса шундай доно опаси борлигидан ҳамми-

### Аълочи

ша фахрланади.

Ҳа, эндигина 9 ёшни қоралаётган Малика Мирсодиқова аллақачон ота-онаси, дусти ёрлари, қариндош уруғлари қатори Тошкент шаҳридаги 262-мактаб жамоасининг ҳам фахр-ифтихорига айланган. 2-синфни фақат аъло баҳода тугатган бу қизалоқ араб ва турк тилларини ҳам урганаётгани қувончли ҳолдир.

Маликаҳоннинг камолида мустақил юрт келажаги буй курсатгандек, ақл-шуурида Ватан сурати, ҳазрат бобокалонларимиз донолиги акс этганлигидан севиниб кетасан ва умидларинг ишончга айланади. Илло, Маликадай иқтидорли болажонларимиз бор экан, Узбекистонимиз эртаси ишончли қулларда.

Шоира РАУПОВА.

ИМТИХОН...



### Фикрлашни ўрганамиз

— Ая, фикрла, дейсиз. Фикр дегани узи нима?

— Сенга қандай тушунтирсам экан, қизим? Мана, айттайлик, сенинг синфинг, муаллиминг, синфдошларинг бор. Уларнинг баъзи ишларини қабул қиласан, баъзиларини ёқтирмайсан. Мана шу ҳиссиётингнинг узи фикр. Аммо сен улар ҳақида уйлабгина қўяверсанг сен фаолиятсиз фикр қилган буласан.

— Мен уйлаганим билан нима фойда? Ота-онаси уйласин...

— Йўқ, янглишасан. Ҳамма атрофидаги булаётган воқеаларни синчиклаб кузатиши, аралашини керак.

Дейлик, бир уртоғинг номаъқул иш қилди, куриб турибсан. Демак, унга айтишинг керак, йулдан қайтаришинг керак. Узинг ҳам бошқаларнинг сен ҳақингдаги фикрларини тинглашинг: «Бу уртоғим нега менга бунақа деди экан?» деб фикрлаб куришинг зарур. Сенга тушунарлироқ бўлиши учун бир воқеани айтиб берай.

## ОРЗУ БИЛАН СУҲБАТЛАР

Мактабда дарс берганимда Баҳодир деган ўқувчим буларди — узоқдан қатнардди. Йулда Қаҳҳор исми бола ити билан ҳар куни йулини тусаркан. Нимадир берсагина утказаркан. Буни синфдошлари билиб қолишибди ва куплашиб Қаҳҳорни тавбасига таянтирашибди. Қаҳҳорнинг ота-онаси шикоят қилиб келиб қолишди. Болаларимни йиғсам, ўқувчиларимдан абжирроғи: «Дунда ҳар қандай кучга қарши куч бор эканлигини билдириб қўйдик, холос. Қадамни билиб боссин», — дейишди.


Мана, уша ўқувчиларим қандай қилиб Баҳодирга ердამ бериш, Қаҳҳорнинг эсини киритиб қўйиш ҳақида фаол фикрлашган.

— Ая, қандай қилса одам туғри фикрлайди?

— Кўп китоб ўқиса, қизим. Мана, кеча мен сенга «Сувратларда Ватан тарихи» деган китобни келтириб бердим. Китобда Ватанимизнинг энг қадимги тарихидан лавҳалар берилган. Агар шуларни чуқур ўқиб, ургансанг, тарих ҳақида туғри фикрлайдиган буласан. Биров сенга «Мана бундай» деб бошқача айтса, сен илм асосида туғрисини айтиб, исботлайсан. Ҳали фикрлаш ҳақида кўп гапиришамиз, қизалогим. Ҳозирча ётиб дамингни ол, хўпми.

— Хўп, ая.

ҚУТЛИБЕКА.



— Қара, Аҳмад! Уч бақалоқларнинг иккитаси саломлашишяпти. — Ортиқча семириш ҳам ташвиш-да...

## БУЛУТЛАР СУВ ИЧГАНИ ЕРГА ТУШАРМИШ

Мактаб ўқувчилари ёзги таътил бошланганлиги сабаб, соя-салқин жойларга йиғилиб, қизиқарли, баҳсли суҳбатлар қуриб завқланаётган кунлар осмонда пага-пага булутлар сузиб юрарди.

Уй ишларидан бушаган Иқбол ойисидан рухсат сураб уртоқлари билан ҳар доимгидек, утириб дам оладиган ариқ бўйига борди. У ерда маҳалладошлари Ҳаким, Элдор, Рустам, Наримонлар кум-кук майсазор ортидан мавжланиб оқаётган ариқ сувини томоша қилишиб утиришарди. Уларни жамоа хужалигининг «кичик боғбонлари» деб мақташади. Боғнинг атрофидаги янги экил-

ган нав-ниҳолларни қуриқлаш болақайлар зиммасида. Боғбон Рамзиддин отанинг угит-насихатларига амал қилиб дарахтларни синдириб, мевасини пишмасдан узмаслик кераклигини жуда яхши билишади.

Осмоннинг мовий куйнида булутлар оҳиста сузиб пастлаб, боғ томондаги сойга қунишга шай турганга ухшарди. Буни биринчи Иқбол кўрди.

— Болалар, қаранглар, булутлар сув ичга-

ни каналга тушяпти, ана, ана...

Ростдан ҳам булутлар каналга секинлик билан тушаётгандек, қараб турган болаларга эса оҳиста юраётгандек туюларди.

Иқболнинг бу гапларига бошқа уртоқлари ишонса ҳам, «кимёгар» дейишадиган Ҳаким ишонмади.

— Йўқ, Иқбол, булутлар ҳеч қачон сой, каналлардан сув ичмайди. Булутлар асли сув бугларининг фазодаги бир қуриниши булади деди у. Бундай қизиқарли суҳбатлари ёзги таътилда ҳали кўп давом этади. **ТАЪТИЛ БИЛИМЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ПАЛЛАСИДА, АХИР!**

Маъмура МАДРАҲИМОВА



«Табиат бушлиқдан қурқад», деб ёзган эди инсониятнинг даҳо суз санъаткорларидан бири Гете. Курраи заминимиздаги табиат ва жамият ҳаётига зимдан назар солсак, бу гап нақадар топиб айтилганлигининг гувоҳи буламиз.

Шиша идишдаги сувни бушатаётганимизда сувдан ҳоли қолаётган жой урнини олиш

уч болажонлар гуруҳини бошқаришни комфирқа уз қулига олган эди, холос. Пионер (ҳамиша олдинда!) булиш иштиёқи аслида одамзод боласини тугма, табиий фазилатидир. Бу фазилат ҳар бир миллат фарзандларида турлича намоён булиши мумкин. Масалан, биз болалик чоғларимизда «Темур

# Болалик бу чакмоқ онидир

учун идиш бугзига узини урган ҳаводан чиққан товушга эътибор берганмисиз!? Бу жойни талашаётган икки унсур-сув ва ҳавонинг баҳси — қурашни аниқлатади.

Бугунги болажонларимиз ҳам худди ана шу шиша идишга ухшайди. Шиша идишдан ҳам нозик, нафис уларнинг кунгиллари. Бу кунгилларни кечагина жойланган қатор гоёлардан бушатиб эвазига бошқа гоёларни жойлашимизга тўғри келмоқда. Бугун ёш юракларга мустақиллик маънавият ва маърифатни қуймоқда. Бироқ, бу жараён биздан етти улчаб бир кесишни талаб қилмоқда. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганларидек: янгисини қурмай туриб, эскисини бузмастик кераклигини яхши англаймиз. Мен собиқ шурулар тизими давридаги мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган юзлаб тизимлар, тартиблар илди-пилдизи билан юлиб ташланаётганидан мамнунман.

Бироқ, маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда утган давр давомида шаклланган анъанага, қондага айланиб қолган шундай тизимлар ҳам борки, улар халқимиз ҳаётига яшаш тарзи булиб сингиб кетган. Ушалардан бири мамлакатимиздаги барча болалар ва усмирларнинг ягона ташкилотга жипслашиб, уша ташкилот дастурига мувофиқ фаол ҳаракатда булиши эди. Шу ташкилот пионерлар деб аталар эди. Хуш, нега болалар пионерликка қабул қилинган, уларнинг бошқача, аввалгидан фаолроқ, дадилроқ, уқтамроқ ва бурчлироқ ҳис қилар эди? Бу масъулиятни сезишга шуро ёки комфирқаларнинг нима алоқаси бор эди? Менимча, моҳиятан ҳеч қандай дахли йўқ эди. Фақат табиатан уюшқоқликни, бирор юмушни худдай олишини катталарга курсатишга

ва унинг командаси» номли кинофильм қаҳрамонларига ухшашни орзу қилардик. Ахир, Темур ва унинг журалари олиб борган ишлар ҳам савобли — қари-қартанглар, ҳимоясиз болаларга ёрдам бериш, оғирини енгил қилиш эди-да! Бундай гоёлар менимча, миллат ва макону замон танламайди.

Олтинчи синфда ўқийдиган ўғлим ҳам бу фильмни мароқ билан томоша қиларди. Гарчи уларнинг аксарияти ҳозир зурлик ва даҳшатни тасвирловчи видеофильмларга бизнинг болагимиздан кура бирмунча яқин булиб усаётган булса-да, бола қалби қалбакилик ва самимиятта жуда сезгир булиб қолади.

Фильмдаги бу болалар ким, қандай ташкилот аъзолари эканлигини ўғлимни айни пайтда қизиқтирмайди. Энг муҳими, бу кичкина уюшма савоб ишларни қиладиганлигига ишонади.

Ҳозирги кунда мана шу ўғлим ешидаги юз минглаб фарзандларимиз бозор иқтисодиётига утишдек мураккаб шароитда усмоқдалар.

Мен ҳам яшайман уз замонимда, Давримдан қайта ҳам тушардим йироқ, — деб ёзган Абдулла Ориповнинг сузлари ҳамма замон учун бирдай муҳим. Бизнинг узимиз ҳам, фарзандларимиз

## КўНФИРОК

ҳам шу утиш даврининг фарзандларимиз. Мустақилликнинг утган беш йили биз катталар тугул, болаларимиз онгида ҳам уз аксини топиб, янгича фикрлаш, янгича озод дунёқарашларга ургатди.

Аммо озодлик дегани бу, масъулиятлардан озод булиш, дегани эмас. Ҳозир кўнчилик ота-оналар болаларини нима биландир банд қилиш мақсадида уларни турли тугаракларга, усталарга, масжиду, отинойлари хузурига йўллашмоқда. Ҳар ким қулидан келганича уз боласининг келажagini таъминлашга уриниб юрибди. Бир фойдали иш бошини тугса, жиноят кучасига кириб кетмаса, деган ниятни дилга тугишган. Мен анор донасидек тарқоқ бу фарзандларимизнинг бошини бириктирувчи, миллий мафкурамиз гоёлари руҳида ҳаракатланувчи болалар ташкилоти тугилиши ва унга мос дастурлар ишлаб чиқарилишини истардим.

Унга давлат дастури асосида маблағ, услубий курсатмалар зарур. Бу ташкилотга муносиб ном, низом, тимсолу нишонлар ишлаб чиқилса яхши буларди. Болаларимизни сиёсатдан олис тугиш, уларни сиёсатга аралаштирмаслик деган фикр ҳозир устиворлигини биламан. Аммо, биз истаймизми, йўқми, ҳаёт давом этавради. Бугун куча чангитиб юрган фарзанди-қобилимиз эртага вояга етади. Ва катта ҳаётга демакки, сиёсатга ҳам аралашшга мажбур булади. Мустақиллик тугунчасининг узи том маънода сиёсий тугунча эканлигини едимизда тугишимиз зарур. Давлатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо булишда Республикаимизнинг мустақил сиёсий нуфузга эга эканлиги муҳим омил булган эди.

Мустақил мамлакатнинг боласини бутунлай бозорга, пул топиш кучасига ташлаб қуйсак, биз буюклигига бешак-шубҳа ишонадиган келажак олдида уялиб қоламиз. Гафур Гуломнинг:

Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди,  
Билиб қуйки, сени Ватан кутади,

деган сатрлари ҳамон долзарб, ҳамон пурмаъно.

Мен уз мулоҳазаларимни муғлоқ тугри, деган даъводан йироқман. Ҳақиқат, баҳсу-мунозаралардан тугиллади.

*Болалик кунлар — бу чакмоқ онидир,  
Дилда эг у бир ут ёқмоқ онидир,  
Гард-губордан тоза кунгил кўзини  
Кенг очиб, ҳаётг боқмоқ онидир.*

ОЛЛОЁР,

Усмон Носир номидаги мукофот совриндори,



## ОДОБЛИ КИНОАКТЁР ДЕЙИШСИН

Одатда биз мактаблардан иқтидорли укучиларни излаймиз. Тенгдошларига урناق қилиб курсатамиз... у ҳамма фанлардан фақат «аъло» баҳоларга ўқияпти, деб. Лекин кунгилимизда бир савол етади... уша «аълочи» келажакда ким булади? «Бола бошидан» деганларидек, унинг қобилияти нимадан дарак беради? Ситора-чи? Ситора аълочи-ми? Аълочи булганда қандоқ! Қобилиятими? Қобилиятли! Тугма қобилиятли! Вундеркинд!!

СИТОРА — Тошкентдаги 208-мактабнинг 6-синфида таҳсил олади. Аълочи ва зукко қизалоқ, — дейди табассум билан унинг устози, режиссер ердამчиси Мазлума Пулатова. — 3 ешлигидан тугма актёр эди, десам барибир ишонмайсиз. — «Зумраша» ва «Наштар» ҳажвий кино журналларининг етакчи ёш актёри.

Етакчи актёр! Қайтариб айтаман — Етакчи! Етакчи булиш осонми? Етакчиликдан юлдузликка бир қадам!

Уч ешимдан «Томоша» фольклор дастасига қатнашганман, — дейди у биз билан суҳбатда. 6 — ешимда Мухтор Огамирзасвнинг «Тугинган сингил» фильмида роль ижро этдим. «Ялла» ансамбли бадий раҳбари Фаррух Зокиров кумагида қушиқ ва рақслар ургандим.

Устозларимдан, режиссер Мазлума Пулатова, «Томоша» дастасининг бадий раҳбари Нодира Қурбоновалар менга катта ёрдам беришди.

«Наштар» ҳажвий кино журналинда ундан зиёд, «Зумраша»да эса бешта «роль» уйнадим. Мактаб ҳаётидан узбекча, русча, арабча қушиқлар

ни урганияман.

— Ситора, сен нимадан фахрланасан?

— Кимдан десангиз тугрироқ эди. Таниқли актёрлар: Шухрат Эргашев, Барчиной Бакирова билан бир фильмда суратга тугганимдан фахрланаман. Улар бари дилкаш, оқибагли инсонлар экан.

— Яна-чи?  
— Яна кучаларда болаларнинг мени курсатиб, «вой, бу қизалоқни «кино»да курганман, Зумраша!» — деб юборишларидан севиниб кетаман.

— Ситора, сен узингни ростан ҳам зумраша ҳисоблайсанми?

— Йўқ...  
— Сенимча, зумраша шух болаларни, ёлгончи, тарбияси оғирларни қандай тарбияласа булади? Нима дейсан, уларга кино ёрдам берармикин?

— Тугма одобли боланинг узи йўқ. Ҳар ким қайсидир одати билан ажралиб туради. Болаларга бу яхши бу ёмон», деб тинмай ўқтириб бориш керак. Билсангиз, бунда кино санъати жуда қул келади.

— Дарсликлар-чи, масалан, «Одобнома» дарсликларининг «Зумраша»ларга таъсири буляптими?

— Менимча, таъсири буляпти. Болаларнинг ота-она, эл-юртга меҳри ортмоқда.

— Ситора — юлдуз демак. Сен узингни булажак кино юлдуз ҳисоблай оласанми?

— Мен узимни одобли киноактёр деб ҳисоблашни ёқтирган булардим.

Мухтор Бек,  
Ўрол ЎЗБЕК.

СУРАТДА: Опа-сингил Севара ва Ситора Тулагановалар.

## ФАРЗАНДИНГИЗГА ЭРТАК АЙТАСИЗМИ?

«Бир бор экан»...

— Дунёда энг биринчи эртани қайси бола тинглаган?

— Эртақ тингламаган фарзанд «у ёмон, бу яхши» деб ҳаёт суқмоқларидаги ижобий ва салбий қаҳрамонларининг фарқига етдимми?

Саволимизга жавоб берган

суҳбатдошларимиз «бизларни қанчалик оутмоқчи» эканликларини аниқлаш қийин эмас:

Жура МАХМУД, ёзувчи:

— Эртақ тинглаб икки ўғлим катта булган. Ҳозир 3 ешли набирам Кумушойга ҳар кун эртақ тугийман. Айримларини «Тонг юлдузи»га ҳам йўллаб тураман.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИ-

НОВ, драматург:

— Жуда камдан-кам вақтда, ўғлим билан ёлғиз қолганда. Купроқ оналари Роҳилахон сузлаб беради. Умуман олганда менда вақт масаласи кам, вақтни қизганиман.


Рузимурод ШУКУРОВ, Фўзор технология-иқтисод коллежи сиртки булим муdiri:

— Ҳа. Ота-онамдан эшитган эртақларимни айтаман. Тугишни билмайман.

Кучқор НОРҚОБИЛ, шоир:

— Йўқ. Эртақларни билмайман. Уларга бугунги қиёс ҳақида, реал воқеаларни сингдиргим келади. Эртақ айтиш мен учун галапирок туюлади.

Сиз-чи? Сиз нима дейсиз, азиз ота-оналар?





## УМРИМИЗ ЙЎЛДА ЎТЯПТИ

«Тонг юлдузи»да «Зирапча» ҳажвий булими пайдо бўлганини эшитиб, ич-ичимдан суюндим. Сабаби, биз тоғ ён бағриларида — олисда яшаймиз. Аслини олганда чупонларнинг болаларимиз. Жудуруқ қишлоғида аҳоли кам бўлгани билан унинг худуди жуда катта. Уйлар орасида очик жойлар куп. Бу жойларга газета, журналларнинг этиб келиши ҳам қийин. Бу газетага ёзилганимиз билан Паркент тумани аҳолига газета, журнал тарқатиш ишлари билан шугулланувчилар «Олис яйловлардагилар газета уқимай қуяқолишсин» деб уйлашлари мумкин. Почта хизмати ҳам кунгилдагидек эмас.

Энди мактабдошларим юрагидаги бир гапни баён қилмоқчиман. Қишлоғимиз Майдонтоп — Оқсоқ ота кучасининг ёқасига жойлашган. Мактабимизда биринчи синфдан унингчи синфгача болалар уқишади. Аммо, олисдан келадиган ўқувчиларнинг умри йулда ўтади. Илгари бу йулдан Янгибозор автокорхонасига қарашли автобуслар уз вақтида қатнаб, мактабимизга қийналмай бориб келардик. Шу кунларда бит-

та автобус бор, уни ҳам Кучқор ака деган ҳайдовчи ижарага олиб ҳайдайди. У кунлига келса кучамиздан бир утиб қолади, бўлмаса бозорга борувчилар юklarини олиб, Ғазалкент ёки Паркент шаҳарларига кетаверади. Масалан, бизнинг уйимиз мактабимизгача уч чақиримдан ошиқ. Ҳар куни етти чақиримдан ошиқ йулни босиб, уқишга бориб келаман. Худди, шундай ота-оналаримиз

ҳам қишлоқ марказига боришмоқчи булишса яёв йул босадилар.

Қадрдоним, «Зирапча»! Тоғлик болалар дардидан бир шингил булса ҳам хабардор булдинг. Сендан илтимос. Паркент тумани ҳамда Янгибозор автокорхонаси бошлиқларига дардимизни уз тилинг билан тушунтириб қуйсанг, деган умиддамиз!

**Гавҳар МҶМИНОВА,**  
Тошкент вилояти,  
Паркент туманидаги  
Роман Мавленов номли  
23-мактабнинг 7-синф  
ўқувчиси.

## АВВАЛ ҲАВАС ҚИЛИШАРДИ...

Бир вақтлар мактабимизни сиртдан курганлар унинг куркига маҳлие булишарди, энди эса башараларини буриштириб утишади. Курсангиз, худди бомба тушган ердагидай мактабимиз деразаларига қингир-қийшиқ тахталар қоқиб қуйилган, ойналари яримтаюримта. Эшиклари буюғи кучиб, олачалпак холга келган. Ичига кирсангиз, сувоқлари кучган, фанерлари синган. Қисқаси, мактаб эмас, молхонага ухшаб қолган. Бунинг сабаби бултур Чархин курғони

қилсанг, Пастдаргом туманидаги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли 30-мактабнинг суратини олиб, туман ҳокимидагиларга бир куз-куз қилсанг. Улар кўриб, мактабимиз аҳволдан хабар олишармиди?!

Ҳамма ўқитувчилар ва ўқувчилар номидан мактуб йулловчи:

**Мулла МУШФИҚОВ.**



# Зирапча

## ХҲРОЗ

— Тоғажон мазангиз кам,

Ранжитдими ёянгам.

Бурнингиз нега яра?

— Қилма жиян масҳара!

Шоввоз уғлим, деб суйдим,

Хуроз уғлим, деб суйдим.

Эрка усган шоввозим, —

Менинг даканг хурозим,

Чикди жула уришқок, —

Кеча гиж-гижлаган чок.

Узимни чуқиб олди, —

Бурнимга тамга солди.

**Фозил ЗОҲИД**

Урганч шаҳри.

## ЖУРЪАТНИНГ ЮЗИНЧИ УЧРАШУВИ

(Қолган туқсон туққизтасини ҳам сизларга албатта етказамиз.)

Мени танийсан-а, оғайни? Нега бошингни чайқайсан? Танийсан, танийсан, булмаса нега рангинг оқарди? Хуш, айбингни узинг буйингга оласанми ё узим бит-та-бит-та-лаб санайми?

Мени биласан — оёгинг лойли булмаса гиринг демайман. Аммо сенинг ковушинг шилта... Билмаганга олма, балониям биласан. Фарҳодиям танийсан-а, битта уйда яшайсан. «Уртоғим: укам», дейишга оғиз жуфтлаясан, хабарим бор. Сен уни эрталаб ҳар куни мактабга обкетасан, дарсдан сунг, обкеласан. Кучала унқароқ болалардан химоя қилиб юрасан — бу ишингга беш кетамиз.

Аммо анави қилингни-чи? Фарҳодга олайма — у гуллагани йуқ. Қасрдан билдингиз, дейсанми?

Биламиз, керак булса бундан сирлироқ ишларниям сезиб турамиз, бизди Журъат дейдилар, оғайни.

Сан Фарҳодга аяси овқатланиш учун берган пулни ҳар куни обқуясан-а... Энди ақлинг етгандир, нимага йулингни тусганимга. Ху, сандақа дуст, сандақа акани! Фарҳоднинг афтига қара, жимитдай боланинг пулига қузилган қулингни бу ёққа бир узат-чи...

Ҳа, екар эканми. Бир замонларда буваларимиз уғриларнинг қулини кундага қуйиб чошишган, бурнингга сув кирмаса, бу ҳақлаям уйлаб курамиз, бор йулингдан қолма.

Ҳай Фарҳод, дустлик пулга сотилмайди, каллангга қуйиб ол, лалляя-верма, бундан сунг. Пишиққина булмасанг кундуз куниям шунақа туртиниб юрасан.

Борларинг, манга яхшиликча рупара булларинг! Уқдиларингми?



Сизнинг мактабингизда ҳам шунақа ўқувчилар борми?

рассом Муроджон Унгаров

### ТОНГ ЮЛДУЗИ

#### Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҶМИТАСИ

### Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

#### Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора  
ЙҶЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-  
РАИМОВ, Муҳимжон ҚИРҶИЗБОЕВ, Дадахон  
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф  
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

ИВМ компьютерида терилди ва  
саҳифаланди. Офсет усулида  
босилди. Ҳажми 1 боёма табоқ  
Буюртма — Ғ -0296.  
11960 нусхада боёилди.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босишга топириш вақти 19.00  
Топирилди — 18.30

- Руйхатдан ўтин тартиби  
№ 000137
- Маиллими: 700083,  
Тошкент шаҳри,
- Матбуотчилар кучаси,  
32-уй.
- Шапр кўрсаткичи: № 64563
- Телефон:  
• 33-44-25